

Qishloq hayoti

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqq boshlagan

2024-yil 15-fevral, payshanba

№ 6 (9274)

e-mail: infoqishloqhayoti@yandex.ru

@Qishloqhayoti_gazetasi

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА УНУМДОРЛИК ВА МАНФААТДОРЛИКНИ ОШИРИШ ЧОРАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 12 февраль куни қишлоқ хўжалигида ишга солинмаган янги захираларни сафарбар этиш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Сўнги йилларда қишлоқ хўжалиги ҳам микдор, ҳам самарадорлик жиҳатидан ривожланмоқда. Кластер тизими орқали юқори унумли техника ва чуқур қайта ишлаш кириб келмоқда.

2023 йилда соҳада ишлаб чиқариш 4,1 фоизга ўсиб, 426 триллион сўмни ташкил қилган. Экспорт эса қарийб 2 миллиард долларга етган. 152 минг гектар боғ ва тоқзорлар барпо этилиб, 185 минг тонна мева-сабзавот, 31 минг тонна гўшт ва 485 минг тонна сутни қайта ишлаш қувватлари ишга туширилган.

Яқин тарихимизда илк бор пахтадан 3 миллион 700 минг тонна, ғалладан 8 миллион тонна ҳосил олинди. Уларнинг ҳисобини юритиш ва маҳсулотни сотиш тизими тўлиқ рақамлаштирилди.

Йиғилишда асосий эътибор қишлоқ хўжалигида унумдорликни ошириш, таннархни камайтириш, сувни тежашга қаратилиб, ғалдаги вазибалар белгиланди.

Президентимиз ер ва сув ресурслари чекланган шароитда янгича ишлаб, маҳсулотни кўпайтириш, соҳага саннат муҳитини олиб кириш зарурлигини таъкидлади.

Масалан, юртимизда бир гектар майдондан олинандиган ўртача ҳосил илғор мамлакатлардагига қараганда кам. Лекин ўғит ҳам, ёқилғи ҳам, сув ҳам 2 қарра кўп ишлатилади. Шу боис хориждан серунум чигит ва уруғлар олиб келиб, деҳқонларни янги агротехнологияларга ўқитиб, ҳосилдорликни пахтада 50 центнер, ғаллада 100 центнерга етказиш мумкинлиги айтилди.

Давлатимиз раҳбари фермерларнинг манфаатдорлиги масаласига алоҳида эътибор қаратди. Бугунги кунда, янги тартиб асосида, пахта хомашеси биржа орқали сотилмоқда. Нью-Йорк биржасида пахта нархи ошмоқда. Ғаллачиликда ҳам бозор муносабатлари ҳисобида фермерларнинг даромади 2 баравар ортаган.

Агар деҳқон ва фермерни иқтисодий манфаатдор қилсак, улар давлат маблағисиз ҳам ишлаш оладиган вақтлар келади. Менинг мақсадим шу, — деди



Шавкат Мирзиёев.

Манфаатдорликни янада ошириш учун бу йил, пахтачиликда бўлгани каби, ғалла етиштиришда ҳам имтиёзли кредитни тўғридан-тўғри фермерга бериш тизими жорий қилинади. Бундан ташқари, давлат ресурси учун харид қилинган бугдойни даладан ташиб келиш ва сақлаш харажати ҳам тўлиқ бюджетдан қопланади.

Фермер хўжалиklarининг барқарорлигида харажат камлиги ҳам муҳим. Шунинг учун минерал ўғитлар таннархини бу йил 15 фоизга камайтириш, уларни биржага етарлича чиқариш, яна 70 та туманда ўғит омборлари ташкил қилиш бўйича топириқлар берилди. Шунингдек, минерал ўғит сифати ва устамаси алоҳида назоратга олинади. Фермерларга ўз ҳисобидан ўғит сотиб олиш бўйича қулайлик яратилади. Жойлардаги омборлардан минерал ўғитни ташиш учун транспортни логистика порталида мажбурий рўйхатдан ўтказиш тартиби бекор қилинади.

Сув йўқотилишини камайтириш мақ-

садида бу йил 75 та йирик канални бекор қилишга бюджетдан 680 миллиард сўм ажратилган. Сув тежовчи технологиялар учун 3 йил имтиёзли давр билан 5 йилга 14 фоизли кредит бериш йўлга қўйилган. Йиғилишда бу борада ҳудудлардаги ишлар таҳлил қилиниб, сусткашлиklar кўрсатиб ўтилди.

Соҳада ҳисоб-китоб интизомиди ҳам камчилиklar борлиги айтилди. Масалан, кластерларнинг фермерлар олдидаги қардорлиги ҳали тўлиқ тўланмаган.

Энди янги тизимга кўра, олдинги қарзини 1 апрелгача тўлиқ тўламаган кластер билан фьючерс шартномаси бекор қилинади ва фермерга пахта бажариб беришга ружат берилади. Маълумотни электрон платформага киритган ва фьючерс шартнома имзолаган фермерга кредит кўпи билан уч кун ичида ажратилиши шарт этиб белгиланди.

Йиғилишда мева-сабзавот етиштириш ҳамда экспортни хажмини ошириш чоралари ҳам кўриб чиқилди.

(Давоми 2-саҳифада)

Наманган

ТОВАРА ОБОД БЎЛМОҚДА

Наманган нафақат водий, балки республикамиздаги энг гузал шаҳарлардан бири. Ўз номига монанд равишда “Гуллар байрами” билан танилган шаҳар кун сайин ўзгача ободлик касб этиб бормоқда. Шаҳарда амалга оширилаётган бунёдкорликлар, ободончилик, кўкаламзорлаштириш ишлари халқаро мақомга эга бўлган 63 - “Namangan flowers - 2024” гуллар фестивали бу йил ҳам бутун дунёни ҳайратга солишидан дарак бермоқда.

Дарҳақиқат, бу фестиваль том маънода флорист ва ландшафт дизайнерларнинг ижод ва меҳнат маҳсуллари ер юзининг турли нуқталаридан ташриф буюрган меҳмонлар эътиборига ҳавола қилади. Ҳар йили мазкур фестивалга Жанубий Корея, Россия, Туркия, Нидерландия, Ҳиндистон, Россия ва бошқа кўплаб давлатлардан гул иштирокчилари ташриф буюрмоқдалар. Улар сони йил сайин ортиб бормоқда. Бу йил ҳам байрамга жиддий тарафдор бўлимоқда. “Халқаро гуллар фестивали”га, қолаверса, бошқа та-

рихий-меъморий ёдгорликлар, зибратгоҳлар, дам олиш масканларига сайёҳларнинг қизиқиши ортиб бораётгани Наманган шаҳридаги эътиборга молик ўзгаришларга асос солмоқда. Улардан бири Наманган шаҳридаги “Афсоналар водийси” боғида бўлишича, 2016 йилда боғ қурилиши пайтида мана шундай чархпалак ўрнатилиши режада бўлган, фақат жойлашув манзили бошқа ер этиб белгиланган.

(Давоми 2-саҳифада)

Кейинги йилларда органик деҳқончилик атамаси дунё бўйича кенг ёйилиб, оммалашиб бормоқда. Органик қишлоқ хўжалиги маҳсулоти деганда ҳар қандай кимёвий пестицидлар, синтетик минерал ўғитлар, ўсишни созовчи моддалар ва бошқа сунъий кимёвий қўшимчалар қўллашни тақиқловчи, қатъий талаб ва стандартлардан иборат ишлаб чиқилган қондалар асосида табиий ҳолда етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулоти тушунилади.

ОРГАНИК ДЕҲҚОНЧИЛИК – ДЕҲҚОНЧИЛИКНИНГ АЛЬТЕРНАТИВ ТИЗИМИ

Сўнги вақтларда жаҳонда атроф-муҳит ва инсонлар саломатлиги учун зарарсиз бўлган органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига талаб кундан-кунга ошиб бормоқда. Айниқса, дунё бозориде қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигига бўлган талабларнинг ортиб бориши, юртимизда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг жаҳон бозорларидаги ўрнини янада мустаҳкамлаш учун зарурий чора-тадбирлар кўриши талаб этмоқда. Шунга кўра,

бекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди. Органик деҳқончиликнинг мустақил соҳа бўлиб ривожланиши ўтган асрнинг 70-йилларига тўғри келади. 1972 йилда Халқаро органик қишлоқ хўжалигини ривожлантириш федерацияси ташкил этилиб, унинг таркибига 25 давлат вакиллари жамланган бўлса, 90-йилларга келиб, унинг таркибига дунёнинг юздан ортқ мамлакатининг 750 зид ташкилотлари аъзо сифатида қабул қилинди. Органик деҳқончиликни янада



НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

МАВЖУД СУВ РЕСУРСЛАРИ УНДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШНИ ТАҚОЗО ҚИЛАДИ

Яқинда Президентимиз раислигида қишлоқ хўжалигида янги захираларни ишга солиш ҳамда 2024 йилги устувор вазибалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ер ва сув ресурслари чекланган шароитда қишлоқ хўжалиги масъуллари жорий йилда мутлақо янгича ишлаши зарурлиги қайд этилди.

3

JORIY YILDA QISHLOQ XO'JALIGIGA O'N MINGDAN ORTIQ ZAMONAVIY TEXNIKALAR YETKAZIB BERILADI

Mamlakatimizda qishloq xo'jaligi korxonalarini zamonaviy va energiya tejamon texnika bilan ta'minlash, qayta ishlash va saqlash majmualarini barpo etish hamda agrar sohani zamonaviy va unumdor qishloq xo'jaligi texnikalari bilan ta'minlashda lizing xizmatlari imkoniyatlaridan foydalanish muhim ahamiyat kasb etadi.

Mana 24 yildirki, “O‘zagrolizing” aksiyadorlik jamiyati O‘zbekiston lizing bozorida yetakchi o‘rinni egallab, yurtimizda qishloq xo‘jaligi sohasini rivojlantirish, aholini oziq-ovqat mahsulotlari bilan ta‘minlash va oziq-ovqat xavfsizligiga o‘zining munosib hissasini qo‘shib kelmoqda. Dehqonlarni yangi agrotexnologiyalarga o‘qitib, hosildorlikni paxtada 50, g‘allada 100 sentnerga yetkazish reja qilingan. Bu borada qishloq xo‘jaligini mexanizatsiyalash va zamonaviy texnikalar bilan ta‘minlash ustuvor vazifa hisoblanadi. Prezidentimiz

raisligida 12 fevral kuni qishloq xo‘jaligida ishga solinmagan yangi zaxiralarni safarbar etish chora-tadbirlari muhokamasi yuzasidan o‘tkazilgan videoselektor yig‘ilishida ham ayni shu masalalarga alohida e‘tibor qaratildi.

Aytish joizki, bu borada mexanizatsiyalash jarayoni muhim, xususan, fermer hamda qishloq xo‘jaligi sohasi vakillariga eng zamonaviy texnikalarni yetkazib berish ustuvor vazifadir. Yurtboshimiz tomonidan qishloq xo‘jaligida safarbar qilinmagan yangi zaxiralarni ishga solish, xarajatlarni pasaytirib, shu

orqali dehqonlar daromadini ko‘paytirish, yerlarimiz unumdorligini, hosildorlikni oshirish bo‘yicha barcha sohalarda aniq vazifalar belgilab berildi. Mexanizatsiya, operatorlarni o‘qitish masalalariga e‘tibor qaratildi. Qator vazifalarni yuklash bilan birga oldin mavjud bo‘lmagan yangi moliyaviy manbalar taqdim qilinishi aytilди. Xususan, “O‘zagrolizing” aksiyadorlik jamiyatiga joriy yil qishloq xo‘jaligiga 10 mingdan ortiq zamonaviy, energiyatejamon qishloq xo‘jaligi texnikalarini yetkazib berish vazifasi yuklatildi.

(Davomi 2-sahifada)

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

Карантин хизматчиси бонг уради!

Зарарли организмларга қарши БИРГАЛИКДА КУРАШАЙЛИК!

Бошоқли дон экинларининг зараркунанда ҳашаротлари – зарарли хасва, қарсилдоқ кўнғиз, кравчик кўнғизлар, трипслар, шунингдек, занг касаллигининг споралари дала четларидаги хас-хашаклар, бошоқли дон экинлари поялари, тупроқ остида сақланиб қолади, агар аномал совуқ бўлиб, сурункали ёгингарчиликлар бўлса зарарли организмлар мавжуд бўлган ўчоқлар музлаб, улар нобуд бўлар эди.

Қишнинг илқ, қулай об-ҳаво шароити эса зарарли организмларнинг эртароқ ривожланиши учун ҳам аини мудао бўлмоқда. Зарарли организмларга қарши курашиш учун гербицидлардан, фунгицидлардан, пестицидлардан, инсектицидлардан, акарицидлардан мутахассис маслаҳати, тавсияси асосида меъёрида ва ўз муддатида фойдаланиш шарт, албатта. Шунингдек, мевали боғларимиз-

даги зараркунанда ҳашаротлар тухумлари, ҳатто баъзиларининг тирикчиси ҳам қулай, илқ об-ҳаво шароити яратилиши сабабли барг хазонлари, хас-хашаклар, дарахт пўстлоқлари ичида кишлаб қолди. Қишнинг илқ келиши натижасида зараркунанда ҳам, дов-дарахтлар ҳам тез уйғонишини ҳисобга олиб, “Бордо сувоқлиги” билан ишлов беришга керак.

(Давоми 3-саҳифада)



Президентимизнинг 2020 йил 18 майдаги “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифат ва хавфсизлик кўрсаткичлари халқаро стандартларга мувофиқлигини таъминлашга мубоҳи қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони қабул қилинди ва шунга мувофиқ “Органик қишлоқ хўжалиги ва органик озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ни ривожлантириш концепцияси” ишлаб чиқилди. 2022 йил 25 апрелда эса “Органик маҳсулотлар тўғрисида”ги Ўз-

ривожлантириш ва дунё бозориде мустаҳкам ўрин эгаллаши учун органик маҳсулотлар етиштиришининг халқаро стандартлари ишлаб чиқилди. Унда органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда уларни қайта ишлаш, сақлаш ва сотишнинг умумий қондалари ва талаблари келтириб ўтилди. Шундан буён дунёда органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилаётган майдонлар ҳажми ортиб бормоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

